



ПУНКТУАЦИОН НОАНЬАНАВИЙЛИК ВА ИНДИВИДУЛЛИКНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ВАЗИФАЛАРНИ

Нурмуротов Илҳом Бекмурод ўғли

Турон университети нодавлат олий таълим
муассасаси Шарқ тиллар кафедраси ўқитувчиси
gmail: nurmurotovilhom@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада гугунги замонавий ўзбек адабиётида тинии белгиларининг қўлланишига доир ноодатий функциялар ва намуналар келтириб ўтилган. Жумладан, тинии белгилари тил бирликлари орасида синтактика-грамматик, риторик-физиологик ва фонетик-просодик каби турли вазифаларни бажарishi ҳамда поэтик индивидуаллик касб этиши келтирилган.

Таянч сўзлар: лингвопоэтика, тинии белгилари, тинии белгиларининг нормаси, тинии белгиларининг ноанъанавийлиги, муаллиф тинии белгилари, кўп нуқта, тире, тинии белгилари.

INTERPRETATION OF THEORETICAL AND PRACTICAL PROBLEMS OF CURRENT UZBEK PUNCTUATION

Annotation: In this article, unusual features and examples of the use of punctuation marks in modern Uzbek literature are presented. In particular, among language units, punctuation marks perform various tasks, such as syntactic-grammatical, rhetorical-physiological, phonetic-prosodic, and gain poetic individuality.

Key words: linguopoetics, punctuation mark, punctuation norm, punctuation unconventionality, author's punctuation, multiple points, dashes, punctuation functions.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ И ПРАКТИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПУНКТУАЦИИ

Аннотация: В данной статье представлены необычные особенности и примеры использования знаков препинания в современной узбекской литературе. В частности, среди языковых единиц знаки препинания выполняют различные задачи, такие как синтаксически-грамматические, риторико-физиологические, фонетико-просодические, приобретают поэтическую индивидуальность.

Ключевые слова: лингвопоэтика, знак препинания, пунктуационная норма, пунктуационная нестандартность, авторская пунктуация, множественность точек, тире, функции пунктуации.

Поэтик матнларнинг асосий мезонлари ҳисобланган оҳанг ва қофия шеърий асарларни бир ритм асосида ижро этиш имконини берди. Хусусан, бу жараёнда тинии белгилари ҳам муҳим ритмик воситалардан бири саналади. Бугунги

тадқиқотлардан маълумки, ҳозирги кунга қадар бадиий матнларда тиниш белгилари қатъий стандартлаштирилмаган ва улардан қандай фойдаланишни муаллиф ўз услугидан келиб чиқсан ҳолда белгиламоқда. Тиниш белгилари тил бирликлари орасида синтактик-грамматик, риторик-физиологик ва фонетик-просодик каби турли вазифаларни бажаради. Замонавий шеърият деб ҳисобланган давринг чегараларини кенгайтириш ва тилни ҳатто тасвир, мусиқа ва сўз интерфейсларида ҳам мавжуд бўлган материал сифатида тадқиқ қилиш оммалашди. [1.9-б]

Юқоридаги тадқиқотлардан кўриш мумкинки, ўзбек тилида бир неча бор имло ва тиниш белгиларини тартибга солувчи адабий тил меъёрлари қабул қилинди. Уларда шеърий матнда қўлланувчи сўрок, ундов, икки нуқта, тире, кўп нуқта ва бошқа тиниш белгиларидан фойдаланиш маълум меъёрий қоидалар билан тартибга солинди. Қатъий меъёрларнинг мавжудлиги кўплаб услубларда амал қилинса-да, шеърий матнларда ижодкорларга ушбу қоидалардан четлашиш орқали турли ифода эфектига эришиш имконини берди. Бундан келиб чиқсан ҳолда муаллиф тиниш белгиларидан маълум ўринларда воз кечиши, баъзи ўринларда эса синонимини танлаш, ноанъанавийлик ҳамда индивидуалликни шакллантириш каби кўплаб жараёнлар орқали ижодкорга хос алоҳида услубнинг намоён бўлишига хизмат қиласди. Натижада бадиий матндаги тил бирликларининг тасвири унинг акустик томони каби муҳим параметрга айланди ҳамда просодик символизм каби график шаклининг символизми ҳам ўзига хос мазмун касб эта бошлайди. Бу эса, ўз навбатида, тилнинг қатъий ўрнатилган меъёрларига кирувчи тиниш белгиларига доир қоидаларларнинг муаллифлар томонидан атайнин четлаб ўтилганлиги билан боғлиқдир. Ушбу истиснолар муаллифлар томонидан бадиий восита сифатида эътироф этилади ҳамда бадиий матнга хос эмоционал-экспрессивликка хизмат қиласди. Бу ҳолатни немис тилшуноси X.Фридрих “диссонант таранглик” деб атайди ва уни замонавий поэтиканинг мақсади деб билади. [2.310-б] Шаклий изланишлар, албатта, тиниш белгиларида ҳам турли функцияларни шакллантира бошлайди. Хусусан, вақт ўтиши билан анъанавий меъёрларга, шу жумладан, бадиий матнга хос қатъий қонунларга мувофиқ ёзилган асарлар барча ижодкорларда учрайдиган умумий услуг сифатида китобхонлар томонидан бир хил ва оддий санъат ҳолида қабул қилина бошланган. Шу сабабли модернизм эстетикасида эски меъёрдан, яъни қоидалардан четга чиқиши маълум одатга айлантириш юзага келади.

Мавжуд меъёрларнинг барчасидан четга чиқиши янги шеъриятни тавсифласа-да, унинг асосий вазифаси энди ифода қилиш эмас, балки шу ифодани маълум график кодлар ортига беркитишдан иборат бўлади. Яширин маънони англаб етиш енди китобхондан ҳам мантиқий тафаккурга оид анчайин “тер тўкиш”ни талаб этади. Бу яширин маънолар бадиий матндаги мураккаб синтаксис фигуralар, ноанъанавий тиниш белгилари ҳамда лексималардаги полефункционаллик орқали китобхондан “бегоналаштирилади”. Баъзи ўринларда ҳатто ўқувчига матнни тушуниш учун деярли ҳеч қандай ишоравий воситалар қолдирмайди:

бешикдаги гўдак тушида

ором олган кулча илондай
у аёлнинг илимилиқ қўзёшини
тўшаб ётар остига
агар бир қават қўзёши
ботиб кетса этига унинг
болаларин ёшин ҳам қўшиб
ети қават қилиб тўшаб олади (Фахриёр)

Тиниш белгиларини қўлламасдан ўз ҳиссий кечинмаларини китобхонга етказиш бугунги кунда ноанъанавийлиқдан одатга айланиб бормоқда. Ушбу ҳолат бошқа ижодкорларда ҳам учрайди:

ТИШГА ҚАСИДА

уйғондим туш битди манглайимда узаймиш чизик
на маржон қоялик на денгиз қизлари на минг йиллик кема
устимда эса ел ва паришонлик ифори

Тұғрул Танёл

*Тишилари инжудай оппоқ пари қор ила нечун ўйнашдинг сен
ёқангда товланган парча шафақ шуъласида қарайсан олисларга
бир сим титрогида бир япроқ титрогида узасан ўзингга ёққан меваларни
сийнаси мармар ёсуман табассуми аро чопқиллаб ўтасан
эшикларни бекитарлар девлар кирмасин дея
пардалар гижимланган
дарбозага тушиган нақыш
оловиддин (Баҳром Рўзимухаммад)*

Шеърий матнда тиниш белгиларидан бутунлай воз кечиш маънонинг яширинлиги ва ноаниқлигининг экстремал қўринишларидан бири ҳисобланади. Ижодкорнинг тиниш белгилари меъеридан воз кечиши кундалик мулоқот тилидан узоқлашишга, ўз навбатида, поэтик матн тилига қарама-қарши қўйишга интилаётган муаллифнинг поэтик манифестиdir. Ушбу ҳолат С.Георге томонидан қўйидагича изоҳланади: “Меърий тиниш белгиларининг инкор этилиши унинг шеърий муҳитидаги эстетик канонига айланади ва шоирнинг назарий асарларида асосланади”. [3.86-b]

Дастлабки қараашларда пунктуацион белгилар бошқа услубларда қўллангани каби бадиий услубда ҳам шеърий матннинг субстанцияси эмас, балки ўқувчига ёрдамчи белгилар сифатида талқин этилган. Бугунги кунда модернист шоирлар ижодида бу белгилар ўқувчига ёрдамчи восита бўлишдан ташқари, товушнинг мураккаблиги ва диссонанси билан уйғун равишда шаклий ва маънавий томондан индивидуаллик касб этган ҳолда тингловчиниг эътиборини ўзига тортади:

*На келмоқ тайини
ва на келмаслик аниқлиги.*

*Бир пайтнинг ўзида келиши-келмаслик
бирлиги қийнап сени.
Куз фол очар баргрезон билан,*

Дараҳт япроқларин юлади бир-бир ва
ерга ташлар:

<i>k</i>	<i>k</i>	<i>k</i>	<i>k</i>
<i>e</i>	<i>e</i>	<i>e</i>	<i>e</i>
<i>l</i>	<i>l</i>	<i>l</i>	<i>l</i>
<i>a</i>	<i>m</i>	<i>a</i>	<i>m</i>
<i>d</i>	<i>a</i>	<i>d</i>	<i>a</i>
<i>i</i>	<i>y</i>	<i>i</i>	<i>y</i>
.	<i>d</i>	.	<i>d</i>
.	<i>i</i>	.	<i>i</i>
.	.	.	.
.	.	.	.

. (Фахриёр)

Юқоридаги мисралардан кўриниб турибдики, модернизм шеъриятида мисраларнинг семантик мазмунида мукаммал синтаксис эстетикаси устунлик қиласи, шу сабабли ушбу шеърларда мураккаб ва ноодатий синтактик тузилмаларга мойиллик устун бўлади.

IQTIBOSLAR/CHOCKS/REFERENCES

1. Stuckatz K. “Ein Beitrag zur modernen Weltdichtung“ ernst jandl und die internationale avant-garde. Doctor of Philosophy. The Pennsylvania State University The Graduate School College of the Liberal Arts. 2014. B 9.
2. Friedrich H. Die Struktur der modernen Lyrik: von der Mitte des neunzehnten bis zur Mitte des zwanzigsten Jahrhunderts. Hamburg, 2006. 310.
3. George S. Gedichte. Eine Auswahl / hrsg. von R. Boehringer. Ditzingen: Philipp Reclam, 1993. 86-bet.